



TOSHKENT DAVLAT
IQTISODIYOT UNIVERSITETI

BIG
DATA

RAQAMLI IQTISODIYOT
VA AXBOROT
TEXNOLOGIYALARI

2022

ELEKTRON ILMIY JURNALI MAXSUS SON/2



МУАССИС | FOUNDER

Тошкент давлат иқтисодиёт университети
Tashkent State University of Economics

ТАҲРИР КЕНГАШИ РАИСИ | CHAIRMAN OF THE EDITORIAL BOARD

Шарипов Конгратбой Аvezимбетович – т.ф.д., профессор
Sharipov Kongratboy Avezimbetovich – doctor of technical sciences, professor

БОШ МУҲАРРИР | EDITOR-IN-CHIEF

Абдуллаев Мунис Курбонovich – и.ф.ф.д. (PhD), доцент
Abdullayev Munis Kurbonovich – PhD, docent

БОШ МУҲАРРИР ЎРИНБОСАРИ | DEPUTY CHIEF EDITOR

Вафоев Бобуржон Расулович – и.ф.н., доцент
Vafoev Boburjon Rasulovich – PhD, docent

МАСЪУЛ КОТИБ | EXECUTIVE SECRETARY

Л.А. Аблазов | Ablazov L.A.

ВЕБ-АДМИНИСТРАТОР | WEBMASTERS:

Н.Я. Нурсаидов, А.Ш. Махмудов | Nursaidov N.Ya., Makhmudov A.Sh.

ТАҲРИРИЯТ АЪЗОЛАРИ | EDITORIAL BOARD

С.С. Гулямов – и.ф.д., академик.
Б.А. Бегалов – и.ф.д., профессор.
М.П. Эшов – и.ф.д., профессор.
О.Қ. Абдурахмонов – и.ф.д., доцент.
К.Б. Ахмеджанов – и.ф.д., профессор.
И.М. Алимардонов – и.ф.д., доцент.
Р. Салиходжаев – и.ф.ф.д. (PhD).
Проф. Холназар Амонов (Чехия).
Проф. Ҳамид Эргашев (Англия).
Проф. Карина Татек Банетти (Чехия).
Проф. Одиложон Абдураззаков
(Германия).
Проф. Эко Шри Маргианти
(Индонезия).
Проф. Дмитрий Назаров (Россия).
Проф. Н.М. Сурнина (Россия).
Проф. Марк Розенбаум (АҚШ).
PhD. Абдул-Рашид (Афғонистон).

PhD. Аҳмед Мохамед Азиз Исмоил
(Миср)
PhD. Бекзод Саидов – (АҚШ).
А.А. Исмаилов – и.ф.д., профессор.
И.Е. Жуковская – и.ф.д. (DSc),
профессор.
Т.С. Кучкоров – и.ф.д. (DSc),
профессор.
Р.А. Дадабаева – и.ф.н., доцент.
Ш.И. Хашимходжаев – и.ф.н., доцент.
А.А. Абидов – т.ф.н., доцент.
И.М. Абдуллаева – и.ф.н., доцент.
Н.Б. Абдусаломова – и.ф.д. (DSc),
профессор.
Р.Х. Насимов – т.ф.н., доцент.
А.Б. Бобожонов – и.ф.ф.д. (PhD).
С.О. Хомидов – и.ф.ф.д. (PhD).
Ш.С. Егамбердиев – и.ф.ф.д. (PhD).

МУНДАРИЖА

| | |
|--|----|
| Шарипов Конгратбой Авезимбетович, Каримова Ширин Зоҳид қизи ЭЛЕКТРОН ТИЖОРАТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ | 6 |
| Eshov Mansur Po‘latovich, Abdullayev Munis Kurbonovich, Rizayeva Farangiz Xoldorovna BLOCKCHAIN TECHNOLOGIYALARINING OLIY TA'LIM TIZIMIDA QO'LLASH AFZALLIKLARI | 11 |
| Абдурахмонова Гулнора Қаландаровна, Зарипов Баҳодир Бобомурод ўғли ТИЗИМЛИ ЁНДАШУВ АСОСИДА БУЛУТЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАР ХИЗМАТЛАРИНИ ТАНЛАШ БЎЙИЧА ҚАРОРЛАРНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ МЕТОДОЛОГИЯСИ | 19 |
| Yuldashev Maqsudjon Abdullayevich, Maxmudov Abbas Sherali o'g'li, Homidov Hamdam Hasan o'g'li IQTISODIYOTNI RIVOJLANTIRISHDA RAQAMLI TECHNOLOGIYALARDAN FOYDALANISH SAMARADORLIGI | 26 |
| Акбаров Нодир Гафурович, Вафоев Бобуржон Расулович, Юсуфжанов Нурмухаммад Жаҳонгир ўғли СПОРТ МАРКЕТИНГИНИНГ ЗАМОНАВИЙ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ | 33 |
| Abduvohidov Abdumalik Mahkamovich, Parpieva Rano Abdurasulovna FOREIGN EXPERIENCE IN ORGANIZING REMOTE BANKING SERVICE | 39 |
| Abdulakhatov Muzaffar Mashrabjon ugli, Jaloliddinova Madina Sirojiddin kizi THE MAIN IMPACTS OF DIGITAL TRANSFORMATION ON SMALL TO MEDIUM-SIZED BUSINESS ENTERPRISES | 43 |
| Абдуллаев Мунис Курбонovich, Абдурахмонова Барно РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАР ТАЖРИБАСИ | 48 |
| Абидов Абдужаббор Абдухамидович ДИАГНОСТИКА СОСТОЯНИЯ И ВОССТАНОВЛЕНИЯ РАБОТОСПОСОБНОСТИ СИСТЕМ РЕАЛЬНОГО ВРЕМЕНИ | 54 |
| Алимов Раимжон Хақимович, Шамсиева Ф.М. ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИГА КИРИТИЛАЁТГАН ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИ МЕВА- САБЗАВОТ ЕТИШТИРИШГА ТАЪСИРИНИ МОДЕЛЛАШТИРИШ ВА ПРОГНОЗЛАШ | 59 |
| Амиров Лочинбек Файзуллаевич, Аскарова Мавлуда Турабовна СТРАТЕГИЧЕСКИЕ ПЕРСПЕКТИВЫ РАЗВИТИЯ АГРАРНОГО СЕКТОРА РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН | 65 |
| Ахунова Маърифат Хақимовна ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ РАҚАМЛАШУВИ: МУАММО ВА ЕЧИМЛАР | 74 |
| Ashurov Zufar Abdulloevich, Butikov Igor Leonidovich MULTIPLE LISTING SERVICE – A DIGITAL TECHNOLOGY FOR REAL ESTATE MARKET OF UZBEKISTAN | 78 |
| Бекмуродов Н.Х. ИНСОН РЕСУРЛАРИНИ СТРАТЕГИК БОШҚАРИШДА ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАР ВА УЛАРНИ ТАТБИҚ ЭТИШ ЙЎЛЛАРИ | 82 |

| | |
|--|-----|
| Davletova Durдона, Buranova Jazira DIGITAL ECONOMY: INFLUENCE IN ECONOMY DURING THE PANDEMIC | 86 |
| Дадабаева Раъно Акромовна ФОРМИРОВАНИЕ СТРАТЕГИИ ОРГАНИЗАЦИИ В УСЛОВИЯХ ГЛОБАЛИЗАЦИИ .. | 91 |
| Jamalova Gulnora Gulomovna, Aymatova Farida Khurazovna DIGITAL ECONOMY AS A NEW PERIOD OF GLOBALIZATION | 94 |
| Жахонгиров Илимдоржон Жахонгиржон ўғли МАМЛАКАТИМИЗДА СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ МУАССАСАЛАРИНИ МОЛИЯЛАШТИРИШ ТИЗИМИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ | 100 |
| Zhukovskaya Irina Evgenievna, Khashimkhodzhaev Sharafutdin Ishankhodzhaevich THE MAIN DIRECTIONS FOR IMPROVING THE QUALITY OF HIGHER EDUCATION IN THE CONTEXT OF DIGITAL TRANSFORMATION | 109 |
| Зарипова Мукаддас Джумаёзовна ПРОФЕССОР-ЎҚИТУВЧИЛАР ТАРКИБИ СИФАТИНИ БАҲОЛАШ КЎРСАТКИЧЛАРИ ВАЗН КОЭФФИЦИЕНТЛАРИНИ АНИҚЛАШДА ЭКСПЕРТ СЎРОВ УСУЛИДАН ФОЙДАЛАНИШ | 114 |
| Karimova Shirin Zohid qizi ELEKTRON TIJORAT DO‘KONLARIDA 3D TEXNOLOGIYALARINI QO‘LLASH | 125 |
| Касимов Азамат Абдукаримович САНОАТ 4.0 НИНГ РИВОЖЛАНИШИ ВА УНИНГ ИҚТИСОДИЁТНИ РАҚАМЛАШТИРИШДАГИ ЎРНИ | 129 |
| Қодиров Фаррух Эргаш ўғли, Мухитдинов Х.С. АҲОЛИГА ТИББИЙ ХИЗМАТ КЎРСАТИШДАН ОЛИНГАН ДАРОМАД ВА ХАРАЖАТЛАРНИ БИЗНЕС ИННОВАЦИОН МОДЕЛИ | 136 |
| Кулматова Сайёра Сафаровна, Рихсимбаев Одилжон Кабилджанович ВОПРОСЫ ЦИФРОВИЗАЦИИ МАШИННО-ТРАКТОРНЫХ ПАРКОВ В СЕЛЬСКОМ ХОЗЯЙСТВЕ | 142 |
| Kuchkarov Tahir Safarovich, Sultanov Ruslan Rustamovich RESEARCH AND DESIGN STRUCTURE AND FORMAL MODEL OF INFORMATION SYSTEM FOR MANAGING EDUCATIONAL SYSTEM AND E-CONTENT DESIGN BASED ON ELEMENTS OF ARTIFICIAL INTELLIGENCE | 147 |
| Мирзакаримова Муhabбатхон Махмуд қизи БАРКАМОЛ АВЛОД БОЛАЛАР МАКТАБЛАРИ ТИЗИМИ УЧУН МУЛЬТИМЕДИАЛИ МАСОФАВИЙ ТАЪЛИМ ПЛАТФОРМАСИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ | 156 |
| Назаров Дмитрий Михайлович, Шкрадюк А.Д. ТЕХНОЛОГИЯ OSINT: ОБЗОР СЕРВИСОВ С ОТКРЫТЫМ ИСХОДНЫМ КОДОМ | 167 |
| Nuraliev Faxriddin Murodillaevich, Giyosov Ulugbek Eshpulatovich, Ibodullaev Sardor Narsiddin o‘g‘li TA'LIMNING VIRTUAL OLAMDAGI KO‘RINISHI UCHUN 3D OBEKTLARNI JOYLASHTIRISH VA FOYDALANISH USULLARI | 172 |

| | |
|--|-----|
| Nursaidov Nurmukhammad Yashnar ugli USING MOBILE DEVICES FOR LANGUAGE LEARNING | 177 |
| Olimov Maksudjon Komiljon ugli SPECIFIC CHARACTERISTICS OF MODERNIZATION OF INDUSTRIAL PRODUCTION BRANCHES AND IMPLEMENTATION OF “INDUSTRY 4.0” CONCEPT . | 183 |
| Ортиков У.А. СУЩНОСТЬ И НЕОБХОДИМОСТЬ ПОВЫШЕНИЯ ПРОИЗВОДИТЕЛЬНОСТИ ТРУДА В ЦИФРОВОЙ ЭКОНОМИКЕ | 188 |
| Отажанов Умид Абдуллаевич, Нуруллаева Шахноза Тохтасиновна, Сайдуллаева Саодат, Исакова Наима ЎУДУДЛАРНИНГ ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ САЛОҲИЯТИНИ ЗАМОНАВИЙ БАҲОЛАШ УСУЛИНИ ТАДБИҚИ | 193 |
| Паязов Мурод Максудович ХИЗМАТЛАР СОҲАСИНИ РАҚАМЛИ ТРАНСФОРМАЦИЯЛАШ: МУАММО ВА ЕЧИМЛАР | 201 |
| Пилипенко Елена Федоровна, Белалова Гузаль Анваровна ИСПОЛЬЗОВАНИЕ ТЕХНОЛОГИЙ ИСКУССТВЕННОГО ИНТЕЛЛЕКТА В МАРКЕТИНГОВОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ ПРЕДПРИЯТИЙ | 207 |
| Рўзиева Дилобар Исомжоновна РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА КИЧИК БИЗНЕС СУБЪЕКТЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ РАҚАМЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАР АСОСИДА РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ | 214 |
| Сабиров Ойбек Шавкатбекович, Эргашова Наргиза Бобохоновна ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК МАҲСУЛОТЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА РАҚАМЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ | 219 |
| Саидназаров Фирдавс Абдуллоевич КОРХОНАЛАРДА УЗОҚ МУДДАТЛИ МОЛИЯВИЙ СТРАТЕГИЯНИНГ АМАЛИЙ- УСЛУБИЙ АСОСЛАРИ (Ўзбекгидроэнерго АЖ мисолида) | 227 |
| Салайев Расул Шавкатович ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА РАҚАМЛИ АКТИВЛАР МУОМАЛАСИНИНГ КОНЦЕПТУАЛ ЁНДАШУВЛАРИ ВА ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ | 237 |
| Темиров Абдулазиз Алимжанович АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТЛАРИ ФАОЛИЯТИГА РАҚАМЛИ БОШҚАРУВНИ ЖОРИЙ ЭТИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ | 249 |
| Тўхсанов Қудратилло Нозимович ПАНДЕМИЯДАН КЕЙИНГИ ДАВРДА РАҚАМЛИ МОЛИЯЛАШТИРИШНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ЗАМОНАВИЙ ИМКОНИЯТЛАРИ | 254 |
| Файзиева Муяссарзода Ханчаровна РАҚАМЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ ФАОЛИЯТИГА ТАЪСИРИНИ БАҲОЛАШ | 259 |
| Файзуллаева Нилуфар Садуллаевна ИНТЕРНЕТ-ТЕХНОЛОГИИ И РАЗВИТИЕ ОБРАЗОВАНИЯ | 268 |
| Хашимова Дилёра Пахритдиновна, Мирзиёдова Гульнозахон Аюбхон кизи ИСПОЛЬЗОВАНИЕ ИНСТРУМЕНТОВ ЦИФРОВОГО МАРКЕТИНГА ДЛЯ ПОВЫШЕНИЯ ЭФФЕКТИВНОСТИ ПРОЦЕССА ПРОДВИЖЕНИЯ ТОВАРОВ ТОРГОВОГО ПРЕДПРИЯТИЯ | 272 |

| | |
|--|-----|
| Хидиров Темур Қахрамон ўғли СУТНИ ҚАЙТА ИШЛАШ КОРХОНАЛАРИНИ РАҚАМЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАР ВА КЛАСТЕР ТИЗИМИ АСОСИДА РИВОЖЛАНТИРИШ | 278 |
| Xodjayeva Mavlyuda Sabirovna, Saydakhmedova Barno Batirovna TA'LIMDA RAQAMLI TECHNOLOGIYALARDAN SAMARALI FOYDALANISHNING AHAMIYATI | 285 |
| Хужакулов Хаитмурат Джавлиевич, Аюбджанов Аббас Хасилович ЎЗБЕКИСТОНДА ИҚТИСОДИЁТ ТАРМОҚЛАРИ РИВОЖЛАНИШИНИ СТАТИСТИК БАҲОЛАШДА РАҚАМЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ | 293 |
| Хакимова Муҳаббат Файзиевна, Тўрабеков Фарход Санакулович ЭЛЕКТРОН ТАЪЛИМ МУҲИТИДА АРАЛАШ ЎҚИТИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ | 300 |
| Shermuhamedov Abbos Toirovich, Ablazov Lazizbek Abdigosimovich OLIIY TA'LIMDA BULUT TECHNOLOGIYALARINING IMKONIYATLARI | 306 |
| Shoaxmedova Nozima Hayrullayevna, Abdullaeva Iroda Maxmudjanovna, Mannanova Shaxida Gaybullayena, Yusupova Dilbar Mirabidovna SUN'IY INTELLEKT YORDAMIDA SOXTA KONTENTLARNI ANIQLASH USULLARI .. | 311 |
| Юлдашев Абдухаким Абдукаримович КИЧИК ЁҒ-МОЙ КОРХОНАЛАРИДА ТАЪМИНОТ ЗАНЖИРИНИ БОШҚАРИШДА РАҚАМЛИ ЛОГИСТИК ЭКОТИЗИМЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШНИ САМАРАДОРЛИГИ | 317 |
| Yuldasheva Nilufar Abduvakhidovna THE CONCEPT OF THE STRATEGY OF INNOVATIVE AND TECHNOLOGICAL DEVELOPMENT OF INDUSTRIAL ENTERPRISES IN THE DIGITAL ECONOMY | 322 |
| Юлдошев Улугбек Аскар ўғли РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ СОҲАСИДА ДАВЛАТ-ХУСУСИЙ ШЕРИКЛИК | 327 |
| Юсупов Муҳиддин Соатович УКРЕПЛЕНИЕ ПРОДОВОЛЬСТВЕННОЙ БЕЗОПАСНОСТИ ПУТЕМ РАЗВИТИЯ ЦИФРОВОГО И УМНОГО СЕЛЬСКОГО ХОЗЯЙСТВА В УЗБЕКИСТАНЕ | 334 |
| Юсупов Мансур Махаммаджон угли, Шоахмедова Нозима Хайруллаевна АНАЛИЗ СОВРЕМЕННОГО СОСТОЯНИЯ КИБЕРБЕЗОПАСНОСТИ В РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН | 345 |
| Якубов Максадхон Султаниязович, Шарифжанова Нилуфар Муратжановна МЕХАНИЗМЫ РЕАЛИЗАЦИИ МЕТОДОЛОГИИ УПРАВЛЕНИЯ В СИСТЕМЕ ПОДГОТОВКИ РАЗРАБОТЧИКОВ ПРОГРАММНОГО ОБЕСПЕЧЕНИЯ | 352 |
| Асадов Жасур Абдужабборович РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА АҲОЛИНИНГ МОЛИЯВИЙ САВОДХОНЛИГИНИ ОШИРИШГА ОИД ХОРИЖИЙ ТАЖРИБА | 361 |
| Homidov Hamdam Hasan o'g'li, Vafoyev Boburjon Rasulovich, Maxmudov Abbos Sherali o'g'li SUN'IY INTELLEKT TECHNOLOGIYALARINI QISHLOQ XO'JALIGI FAOLIYATIDA TADBIQI | 367 |
| Norboeva Nafisa Erkinovna EFFICIENT USE OF CLOUD TECHNOLOGIES IN THE ACTIVITIES OF ENTERPRISES AND ORGANIZATIONS | 372 |

САНОАТ 4.0 НИНГ РИВОЖЛАНИШИ ВА УНИНГ ИҚТИСОДИЁТНИ РАҚАМЛАШТИРИШДАГИ ЎРНИ

Касимов Азамат Абдукаримович

Тошкент давлат иқтисодиёт университети, Тармоқлар иқтисодиёти кафедраси доценти, PhD

Аннотация

Ушбу мақолада мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида саноат 4.0 нинг аҳамияти ва таъсири очиқ берилган. Иқтисодий ривожланиш, хусусан саноат тармоқларида инновация муҳитини ривожлантиришдаги мажбуур муаммолар чуқур ўрганилган. Иқтисодий фаолият турлари бўйича саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳолати, унинг ялпи ички маҳсулот ва экспортдаги улуши ҳамда ҳудудий саноат бўйича таҳлил амалга оширилган. Шунингдек, саноатини барқарор ривожлантириш бўйича истиқболли стратегияларни ишлаб чиқишда муҳим саналган йўналишлар таклиф этилган.

Калитли сўзлар

саноат 4.0, рақамли иқтисодиёт, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш, инновация, ишлаб чиқариш, технология

Кириш

Бугунги COVID-19 глобал пандемияси нафақат Хитой иқтисодиёти, балки, глобал иқтисодиётга жиддий таъсир кўрсатди. Яъни, кўплаб давлатларда айрим йирик саноат корхоналари ва кичик бизнес субъектлари фаолиятини вақтинча тўхтатишга, кўплаб ходимлар масофадан ишлаш режимига ўтди. Бунда табиийки, маҳсулот ишлаб чиқариш ва меҳнатга ҳақ тўлаш миқдорарида камайиш тенденцияси кузатилди. Бу эса дунё бўйлаб товар айланмасининг қисқаришига ва сунъий инфляциянинг қисман ўсишига олиб келди.

Аммо, юқоридагилар глобал пандемия оқибатида ўрнатилган чекловларнинг иқтисодиётга нисбатан салбий таъсири сифатида масаланинг бир томони ҳисобланади.

Иккинчи томондан эса мазкур пандемия ривожланган мамлакатлар қаторида кўплаб ривожланаётган мамлакатларда ҳам рақамлаштириш жараёнларининг жадаллашуви олиб келди. Хусусан, банк хизматлари, тўловлар, электрон савдо, хизматлар ва логистика соҳалари шулар жумласидандир.

Бошқача айтганда, рақамлаштириш жараёнлари суст бўлган мамлакатларда пандемия ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий жараёнлар ҳамда муносабатларни рақамлаштиришга бўлган эҳтиёж ва талабни ошишига олиб келиб, ушбу жараёнларни рақамлаштиришни тезлаштириш ва жадаллашуви олиб келди.

Аммо, шунинг аҳолида таъкидлаш лозимки, бирор бир жараённинг таркибий ўзгариши учун албатта қайсидир омиллар сабаб бўлади. Иқтисодиётнинг, хусусан саноатни рақамлаштиришда рақамли технологиялар асосий восита ҳисобланади. Шунингдек, шу технологиялардан самарали фойдалана оладиган малакали персоналлар ва бошқа омилларнинг ўзаро интеграцияси асосида рақамли тизим ташкил этилади.

Демак, иқтисодий жараёнларни рақамлаштириш бир эмас, бир неча омиллар орқали амалга оширилади. Масаланинг яна бир муҳим жиҳати шундаки, янги рақамли технологиялар ва мос шароитларда жойлаштиришни ташкил этиш катта капиталларни талаб этади. Бундан ташқари, иқтисодиётни рақамлаштириш, айниқса ишлаб чиқариш соҳасини рақамлаштириш янги инновацион қарашларни талаб этади.

Буларга мос равишда бугунги истеъмолчиларнинг талаблари ҳам индивидуаллашиб, ўзига хослик даражаси ошиб бормоқда. Бундай шароитда корхоналар бозордаги истеъмолчиларни эгаллаши учун фақат нарх дискриминациясидан эмас, балки ўз маҳсулотларининг нафлилик даражасини ошириш орқали амалга ошириш лозим бўлади.

Албатта, баркарор ва юқори даражада иқтисодий ўсишга эришишда мамлакатда иқтисодий сиёсат муҳим аҳамият касб этади. Президент Шавкат Мирзиёев томонидан олиб борилаётган иқтисодий сиёсат бунинг яққол далилидир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон фармони [1] ана шундай иқтисодий ислохотларни амалга оширишнинг ҳуқуқий асоси бўлиб хизмат қилмоқда.

Мазкур стратегияда белгилаб берилган вазифаларни, жумладан мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида саноат 4.0 нинг таъсирини баҳолаш ва уни янада ривожлантириш бўйича илмий асосланган таклифлар ишлаб чиқишни тақозо этади. Ўз навбатида буларнинг барчаси тадқиқот мавзусининг долзарблигини ифодалайди.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили

Рақамли технология иқтисодий фаровонликнинг кўп ўлчовларида, масалан, иқтисодиёт, соғлиқни сақлаш, таълим ва ҳоказоларда иштирок этишни қамраб олиши билан аҳамиятлидир [2]. Яъни, тўртинчи саноат инқилоби автоматлаштириш, компьютерлаштириш ва роботлаштириш билан биргаликда ахборот технологияларини ривожлантиришга асосланган бўлиб, техник, ҳамда ижтимоий-иқтисодий ўзгаришларга олиб келади [3].

Бу эса мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий натижаларни яхшилашга ёрдам беради, шунингдек инновациялар ва унумдорликни ошириш учун ҳаракатлантирувчи куч бўлиши мумкин [4].

Жаҳон амалиётининг кўрсатишча, саноат тузилмаси таркибини рақамли технология инновацияси асосида такомиллаштириш аҳолини сифатли саноат маҳсулотлари билан таъминлаш имконини оширади [5]. Жумладан, саноат 4.0 нинг ривожланиши бандлик даражасини 3 фоиз ва ялпи ички маҳсулотда саноатнинг улушини 5 фоизга ошишига олиб келмоқда [6].

Бундан ташқари, саноат 4.0 нинг ривожланиши технологик ахборотда мавжуд бўлган минтақавий тўсиқларни кесиб ўтиш, халқаро ҳамкорлик дастурини ишга тушириш ва марказлаштирилмаган инфратузилмани қуриш учун замин яратади [7].

Бундан келиб чиқадики, саноат 4.0 иқтисодиётда қўшимча қиймат яратишни оширибгина қолмай, маҳсулот сифатининг ҳам яхшиланишига олиб келади. Реал сектор коркonalари ишлаб чиқариш жараёнларининг мобиллигини ва бозор талабига юқори даражада мослашувчанлигини таъминлайди.

Тадқиқот методологияси

Мазкур тадқиқотда қиёсий таҳлил, график тасвирлаш, эксперт баҳолаш, динамик қаторлар, аналитик таққослаш, мантикий фиклаш ва гуруҳлаш усуллар кенг қўлланилган. Шунингдек, мазкур мавзуга оид хорижий ва маҳаллий олимларнинг тадқиқотлари таҳлил қилинган. Таҳлилларда расмий статистик маълумотлардан фойдаланилган.

Таҳлил ва натижалар

Ҳозирги вақтда рақамли иқтисодиётнинг жадал ривожланиши электрон савдо, тўлов, таълим, хизмат кўрсатиш, молиявий ва давлат хизматлари секторларда кузатилмоқда.

Аммо, мамлакат иқтисодиётини рақамлаштиришда саноатга алоҳида эътибор қаратиши лозим. Чунки, ҳар бир мамлакатнинг иқтисодий мустақиллигини таъминлашда асосий тармоқ ва қўшимча қиймат яратишда энг юқори ўринда турувчи бу айнан саноатдир.


Иқтисодий ривожланишда иқтисодий инновацияларнинг турли хил шакллари келтириш мумкин:

- янги товар ёки хизматни жорий этиш;
- ишлаб чиқаришнинг янги усулини жорий этиш;
- янги бозорнинг очилиши;
- хом ашё ёки ярим тайёр маҳсулотларнинг янги таъминот манбасини эгаллаш;
- ҳар қандай соҳада янги йўналишни очиш ва бошқалар.

Зеро, мамлакатимиз иқтисодиётининг ҳозирги ҳолати миллий иқтисодиётда инновацион ўзгаришларни амалга ошириш суръатларини жадаллаштиришни талаб этмоқда. Иқтисодиёти ривожланган мамлакатлар тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки чуқур, самарали инновацион стратегияни амал қилиши мамлакат иқтисодий ва табиий омилларидан оқилона фойдаланиш орқалигина амалга ошириш мумкин.

Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида иқтисодиёт инновацион шаклланиши энг аввало иқтисодий ўсишни таъминловчи тармоқлар ҳисобига юз беради, бу эса ўз навбатида мамлакат иқтисодиётини хом ашё экспорт қилишини камайтириш билан бирга уни қайта ишлашни ривожлантиришга, валюта маблағларининг тежалишига, аҳоли бандлигининг ошишига сабаб бўлади. Ушбу омиллар ўз навбатида инновация стратегиясини амалга ошириш мамлакатимизнинг жаҳон

хамжамиятидаги ўрнини мустаҳкамланишига олиб келади. Бирок, бугунги фан техника тараққиёти, қолаверса жаҳон бозорида рўй бераётган инновацион ўзгаришлар эришилган ютуқлар билан чегараланиб қолишга имкон бермайди.



1-расм. Давлат саноат тармоқларида инновация муҳитини ривожлантириш учун эътибор бериши зарур бўлган муаммолар¹⁷

Иновацион жараёни амалга оширишдан мақсад инвестициялаштириш-нинг сифат ўзгаришини таъминлаган ҳолда субъектлар олаётган фойда ўсиб боришига эришишдан иборат. Чунки ҳар қандай иқтисодий жараён ишлаб чиқариш жараёнидаги ишлаб чиқариш ресурсларини иқтисодий маҳсулотларга айлантириш билан боғлиқ.

Умуман олганда, буларнинг барчаси инсоният тарихида амалга оширилган саноат инқилоблари натижалари махсули десак, муболага бўлмайди. Бугунга қадар 4 та саноат инқилоби рўй берди: 1784 йил, 1870 йил, 1969 йил ва ҳозирги давр (2-расм).

| Industry 1.0 | Industry 2.0 | Industry 3.0 | Industry 4.0 |
|---|--|--|---|
| <ul style="list-style-type: none"> • Биринчи саноат инқилоби механизация, буғ кучи ва сув энергиясининг пайдо бўлиши билан тавсифланади. | <ul style="list-style-type: none"> • Иккинчи саноат инқилоби электр энергиясидан фойдаланган ҳолда оммавий ишлаб чиқариш ва йиғиш линиялари атрофида айланди. | <ul style="list-style-type: none"> • Учинчи саноат инқилоби электроника, ахборот технологиялари тизими ва автоматлаштириш билан боғлиқ ҳолда юзага келди. | <ul style="list-style-type: none"> • Тўртинчи саноат инқилоби ишлаб чиқариш саноатидаги технология ва жараёнларда автоматлаштириш ва маълумотлар алмашинуви тенденцияси билан ифодаланади. |

2-расм. Саноат инқилоблари таснифи¹⁸

Айни даврда ривожланиб, тобора кенгайиб бораётган рақамли иқтисодиётни тўртинчи саноат инқилоби дея таъкидланмоқда. Гарчи, у одатда ўз-ўзидан саноат дастурлари сифатида таснифланмайдиган соҳалар билан боғлиқ бўлса-да. Масалан, ақлли уй, ақлли шаҳар, ақлли ферма.

Саноат интернетининг асоси бу тизимларнинг интеграцияси ва реал вақт режимида мавжудлиги ҳамда корхона бўйлаб бошқарилишидир. Ушбу инновацион жараён рақамли эчимлар ва илғор технологиялар пайдо бўлиши туфайли амалга оширилди. Бунга қуйидагиларни киритиш мумкин:

1. Саноат буюмлари интернетини;
2. Катта маълумотлар;
3. Булутли технологиялар;
4. Ривожланган робототехника;
5. Интеграллашган виртуал тармоқлар.

¹⁷ Ўрганилган маълумотлар асосида муаллифлар томонидан тайёрланди.

¹⁸ Илмий манбаларни умумлаштириш асосида муаллифлар томонидан тузилган.

Ушбу технологиялар қиймат ва таъминот занжири бўйлаб ўзаро боғлиқ компьютер дастурлари орқали турли хил тизимлар ва жараёнларни бирлаштириш орқали ишлаб чиқаришнинг рақамли ўзгаришини бошқаришга ёрдам беради.

Давлатимиз раҳбари Ш.Мирзаёев “Бугунги ўзгарувчан шароитда иқтисодиёт барқарорлигини таъминлашнинг энг самарали йўли бу – ички имкониятларни ишга солиш, импорт бўлаётган айрим маҳсулотларни ўзимизда ишлаб чиқариш ва саноатни янада ривожлантириш. Бу миллий иқтисодиётимизнинг устувор йўналиши бўлиши керак” деб таъкидлади.

Кейинги даврларда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар натижасида мамлакатимиз иқтисодиёти, хусусан саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажми жадал ўсиб бормоқда. Хусусан, 2021 йилда республикада 134847 та (91152 таси саноат, 43695 таси қурилиш) корхона ва ташкилотлар фаолият юритиб келмоқда. Бу кўрсаткич 2016 йилга нисбатан 71897 тага кўпайган. Иқтисодиёт тармоқларида фаолият кўрсатаётган жами корхона ва ташкилотларнинг қарийб 25,5 фоизини ташкил этади. Ушбу корхона ва ташкилотлар томонидан 2021 йилда 451633,9 млрд. сўм саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилган бўлиб, бу 2020 йилга нисбатан 108,4 фоизга ўсган.

Бунда тоғ-кон саноати ва очиқ конларни ишлаш саноатида 42863,2 млрд. сўм, ишлаб чиқарадиган саноатда 375028,7 млрд. сўм, электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш тармоғида 30803,5 млрд. сўм, сув билан таъминлаш, канализация тизими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилиш тармоғида 2938,5 млрд. сўм маҳсулотлар ишлаб чиқарилган. Таҳлилларга кўра, тоғ-кон саноати ва очиқ конларни ишлаш саноатида маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 2016 йилга нисбатан 4,7 баравардан ошган бўлса, ишлаб чиқарадиган саноатда маҳсулот ҳажми 4,1 бараварга, электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш тармоғида маҳсулот ҳажми 2,9 бараварга, сув билан таъминлаш, канализация тизими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилиш тармоғида 3,5 бараварга ошганлиги қузатилди (1-жадвал).

1-жадвал

Ўзбекистон Республикасида иқтисодий фаолият турлари бўйича саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш динамикаси¹⁹, млрд. сўмда

| Кўрсаткичлар | 2016 й. | 2017 й. | 2018 й. | 2019 й. | 2020 й. | 2021 й. |
|---|---------|----------|----------|----------|----------|----------|
| Тоғ-кон саноати ва очиқ конларни ишлаш | 9031,5 | 15283,8 | 29087,9 | 43438,9 | 33106,9 | 42863,2 |
| Ишлаб чиқарадиган саноат | 91483,0 | 120686,9 | 189642,6 | 254860,9 | 305928,6 | 375028,7 |
| Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш | 10522,6 | 11656,0 | 14518,5 | 22014,7 | 27375,3 | 30803,5 |
| Сув билан таъминлаш, канализация тизими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилиш | 832,3 | 1189,3 | 2091,7 | 2221,2 | 2329,3 | 2938,5 |

Жаҳон тажрибасидан маълумки, кишлок хўжалигидан саноат ишлаб чиқаришига ўтиш, дастлаб XVIII асрда Англияда бошланган ҳамда кейинчалик дунёнинг барча ривожланган мамлакатларига тарқалган ва бу саноат инқилоби сифатида ифодаланади.

Албатта, бугунги кунда саноат ишлаб чиқаришига асосланган иқтисодиётдан хизмат кўрсатиш соҳаси ривожланган иқтисодиётга ўтиш анча силлиқ кечди. Буни барча ривожланган мамлакатлар амалиёти кўрсатиб турибди. Аммо, бу жамиятда бандлик ва мамлакатлар иқтисодиётининг ривожланишида катта ўзгаришларга олиб келди.


Зеро, жаҳон иқтисодиётида истеъмол ва ноистеъмол товарларининг учдан икки қисми айнан саноат тармоқларида ишлаб чиқарилади. Расмий статистик маълумотларга кўра, ривожланган мамлакатларда ЯИМнинг қарийб 47,8 фоизи ва жами бандликнинг 22,4 фоизи айнан саноат тармоқлари ҳиссасига тўғри келади [8]. Халқаро тажрибалар саноат ривожланиши мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий тараққий этиши, иқтисодий мустақилликка эришиши, аҳоли турмуш фаровонлигини таъминлаш ва бандлик муаммоларини бартараф этишда ҳам муҳим тармоқ эканлигини кўрсатмоқда.

Хусусан, 2021 йилда республика саноат тармоғида 3170,1 минг киши (1883,3 минг нафари саноатда ва 1286,8 минг нафари қурилишда) банд бўлиб, бу жами бандликнинг 23,4 фоизини ташкил этади. Шунингдек, 2016-2021 йилларда саноат (қурилишни қўшган)да йиллик ўртача бандлик 3648,8 минг кишини ташкил этган бўлса, бу 2021 йилда 2016 йилга нисбатан 1,05 бараварга кўпайган. Ушбу кўрсаткичлар иқтисодиётнинг бошқа соҳаларида, хусусан кишлок, ўрмон ва балиқ хўжалигида 2021

¹⁹ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари. <https://stat.uz/>

йилда 3502,1 минг киши банд бўлган бўлса, бу 2016 йилга нисбатан 0,96 га камайган, хизматлар соҳасида эса 6866,7 минг киши банд бўлиб, 2016 йилга нисбатан 1,04 бараварга ошган.

2021 йилда мамлакатимизнинг жами sanoat маҳсулотларини ишлаб чиқаришида юқори улуш Тошкент шаҳри, Тошкент ва Навоий вилоятлари ҳиссасига тўғри келган. Жумладан, Тошкент шаҳрида 86099,6 млрд. сўм sanoat маҳсулотлари ишлаб чиқарилган бўлиб, бу жами sanoat маҳсулотларининг 19,1 фоизини ташкил этади. Тошкент вилоятида эса 83202,4 млрд. сўм sanoat маҳсулотлари ишлаб чиқарилган бўлиб, бу жами sanoat маҳсулотларининг 18,4 фоизи, Навоий вилоятида 73631,1 млрд. сўм sanoat маҳсулотлари ишлаб чиқарилган бўлиб, бу жами sanoat маҳсулотларининг 16,3 фоизини ташкил этган. Шунингдек, жами sanoat маҳсулотларининг қолган 8,0 фоизи Андижон, 6,2 фоизи Фарғона, 5,0 фоизи Самарқанд, 4,6 фоизи Бухоро, 4,1 фоизи Қашқадарё, 3,7 фоизи Қорақалпоғистон Республикаси, 3,2 фоизи Наманган, 3,0 фоизи Хоразм, 2,2 фоизи Сирдарё, 1,9 фоизи Жиззах ва 1,5 фоизи Сурхондарё вилоятлари ҳиссасига тўғри келган (3-расм).



3-расм. 2016-2021 йилларда Ўзбекистон Республикаси ҳудудлари бўйича sanoat маҳсулотлари ҳажмининг ўртача ўсиш суръати ва унинг жами sanoat маҳсулотларидаги улуши²⁰, фоизда

Сўнги йилларда ишлаб чиқарилаётган sanoat маҳсулотларининг экспортдаги улуши жадал ошиб бормоқда. Зеро, Президентимиз “Янги бозорларга кириш учун sanoatга халқаро стандартларни кенг жорий қилиш ҳам зарур. Мисол учун, 2019-2021 йилларда тўқимачилик йўналишидаги 2 мингта корхона халқаро сертификат олгани ҳисобига уларнинг экспорти 1,5 баробарга ошган” [9] деб таъкидлади.

2021 йилда республика бўйича ташқи савдо айланмаси 42071,6 млн. АҚШ долларини ташкил этган. Шундан, 16610,6 млн. АҚШ долларини экспорт ва 25461,0 млн. АҚШ долларини импорт ташкил этади. 2020 йилга нисбатан ташқи савдо айланмаси 116,0 фоиз, экспорт 110,0 фоиз ва импорт 120,4 фоизга ўсган.

Ташқи савдо айланмасининг 15867,8 млн. АҚШ доллари, шундан 5407,6 млн. АҚШ доллар экспорт ва 10460,2 млн. АҚШ доллар импорт МДҲ давлатлари билан амалга оширилган бўлса, бошқа давлатлар билан ташқи савдо айланмаси 26203,7 млн. АҚШ доллари, экспорт ҳажми 11203,0 млн. АҚШ доллар ва импорт ҳажми 15000,8 млн. АҚШ долларни ташкил этди.

Шуни алоҳида қайт этиш керакки, 2021 йилдаги экспорт ҳажмининг 59,9 фоизини товарлар, 15,3 фоизини хизматлар ва 24,8 фоизини олтин ташкил этади. Ушбу экспорт таркибининг 2020 йилга нисбатан ўсиш суръати мос равишда товарлар 136,5 фоиз, хизматлар 127,1 фоиз ва олтин 70,8 фоизни ташкил этади (2-жадвал).

²⁰ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

2020-2021 йиллар бўйича республиканинг экспорт ва импорти таркиби²¹, млрд. АҚШ долларларида

| № | Ташқи савдо айланмаси | 2020 й. | 2021 й. | Ўсиш суръати, % | Жамига нисбатан, % |
|----|-----------------------|---------|---------|-----------------|--------------------|
| 1. | Экспорт: | 15102,3 | 16610,6 | 110,0 | 100,0 |
| - | товарлар | 7292,8 | 9953,4 | 136,5 | 59,9 |
| - | хизматлар | 2005,0 | 2547,4 | 127,1 | 15,3 |
| - | олтин | 5804,4 | 4109,8 | 70,8 | 24,7 |
| 2. | Импорт: | 21153,8 | 25461,0 | 120,4 | 100,0 |
| - | товарлар | 19932,4 | 23724,2 | 119,0 | 93,2 |
| - | хизматлар | 1221,4 | 1736,8 | 142,2 | 6,8 |

Жаҳондаги глобаллашув шароитида, юқори технологияли саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш, сифатли ва рақобатбардош тайёр маҳсулотлар ҳисобига экспортни кўпайтиришга эришиш ҳамда самарадорлигини баҳолаш борасида кўплаб илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда, жумладан саноатнинг иқтисодий самарадорлик кўрсаткичларини чуқур таҳлил қилиш, унинг ривожланишига таъсир қилувчи омилларни иқтисодий-математик, эконометрик, статистик жиҳатдан баҳолаш, мезонларини такомиллаштириш, маҳсулот ишлаб чиқариш динамикасини моделлаштириш ва ўсиш (камайиш) тенденцияларини реал прогнозлаш ҳамда моддий харажатларни қисқартиришнинг оптимал вариантларини топиш устувор йўналишлардан бири ҳисобланади.

Хулоса ва таклифлар

Мамлакатимиз иқтисодиётини, хусусан саноатини барқарор ривожлантириш бўйича истиқболдаги стратегияларни ишлаб чиқишда қуйидагиларни эътиборга олиш мақсадга мувофиқ:

- саноат тармоқларида рўй берадиган ижтимоий-иқтисодий жараёнларнинг самарадорлигига таъсир кўрсатувчи омиллар ва ходисаларнинг таъсирини иқтисодий-математик усуллар орқали миқдорий баҳолаш асосида илмий ёндошувга асосланган ҳолда ривожланиш стратегияларини ишлаб чиқиш;

- тадбиркорлик муҳитини яхшилаш, инвестицион жозибадорликни ошириш ва чет эл инвестрларига қўшимча иш ўринларини кўпайтириш келишуви билан уларга янада кенг имконият ва эркинликлар бериш;

- кенг тармоқли саноат кластерлари фаолиятини ривожлантириш, ривожланган мамлакатлар тажрибасидан келиб чиқиб, кластер ва давлат хариди тизимини ташкил этиш ва шу орқали аҳолининг бандлиги ҳамда даромадини ошириш;

- саноат корхоналари иқтисодий самарадорлигини ошириш учун иқтисодиётнинг реал секторида фаолият юритаётган хўжалик субъектлари фаолиятини эркинлаштириш талаб этилади. Шу боисдан, бизнес билан доимий мулоқот, муайян секторларнинг ривожланишига тўсқинлик қиладиган тўсиқларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш бўйича самарали чораларни кучайтириш;

- келгусида мамлакат саноат ишлаб чиқариш қувватларини ривожланиши учун замин яратиши мумкин бўлган энг истиқболли тармоқларга йўналтирилган инвестиция сиёсати стратегиясини такомиллаштириш ва самарали амалга ошириш лозим.

Хулоса қилиб айтганда, мамлакатимиз ЯИМнинг шаклланишида юқори улушга эга бўлган саноатни ва тармоқдаги инвестицион лойиҳалар ташаббускорларини амалий қўллаб-қувватлашга эътиборни кучайтириш, экспорт ва инвестицияларни ривожлантириш бўйича ислохотларни чуқурлаштириш, иқтисодий-молиявий эркинликларни кенгайтириш, хусусий мулк ҳуқуқи дахлсизлигини қатъий таъминлаш, шунингдек инвесторлар ҳуқуқини ҳимоя қилишда институционал таъсирларни ва натижадорликка эътиборни кучайтириш лозим.

Шунингдек, ҳар бир тадбиркорлик субъектининг муаммосини ҳал қилишда индивидуал ёндашув асосида тезкор ва самарали ечимларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш мамлакатнинг инвестиция муҳитини яхшилашга хизмат қилади. Натижада, иқтисодиётнинг реал секторини молиялаштириш ва илгор хорижий тажрибаларни ўрганиш ҳамда ҳар томонлама тежамкор замонавий технологик ютуқларни ўзлаштириш имкони яратилади, пировардида юқори суръатларда иқтисодий ўсиш таъминлайди ва янги иш ўринларини яратади.

²¹ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида тузилган.

Аҳамиятлиси шундаки, бундай ривожланиш таъминот, қиймат, етказиб бериш ва исьтемомл занжирининг интеграцион индивидуаллашиши натижада аҳолининг турли эҳтиёжларини мос равишда кондириниш ҳамда унинг турмуш тарзининг янада яхшиланишига олиб келади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг таракқиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон фармони. <https://lex.uz>
2. Michael Spence. Government and economics in the digital economy // Journal of Government and Economics. Volume 3, Autumn 2021, 100020. <https://doi.org/10.1016/j.jge.2021.100020>
3. Насимов Д.А. Рақамли иқтисодиётни ривожлантириш шароитида иш билан бандликнинг замонавий шакллари // “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. № 4, июль-август, 2020 йил.
4. Илёсов А.А. Рақамли иқтисодиёт шароитида рақамли ишлаб чиқариш ва саноат маҳсулотлари экспортидаги айрим муаммолар // Иқтисод ва молия, 2020, 3(135), 179 б.
5. Dan Ma, Qing Zhu. Innovation in emerging economies: Research on the digital economy driving high-quality green development // Journal of Business Research. Volume 145, June 2022, Pages 801-813. <https://doi.org/10.1016/j.jbusres.2022.03.041>
6. Luyanda Dube Williams. Concepts of Digital Economy and Industry 4.0 in Intelligent and information systems // International Journal of Intelligent Networks. Volume 2, 2021, Pages 122-129. <https://doi.org/10.1016/j.ijin.2021.09.002>
7. Wenrong Pan, Tao Xie, Zhuwang Wang, Lisha Ma. Digital economy: An innovation driver for total factor productivity // Journal of Business Research. Volume 139, February 2022, Pages 303-311. <https://doi.org/10.1016/j.jbusres.2021.09.061>
8. UNIDO. Pocket Guide to World Statistics – 2020. Series V, №42. p.1-19.
9. https://uza.uz/uz/posts/sanoat-kooperaciyasi-va-mahalliy-lashtirish-milliy-iqtisodiyotning-ustuvor-yonalishi_354257?q=%2Fposts%2Fsanoat-kooperaciyasi-va-mahalliy-lashtirish-milliy-iqtisodiyotning-ustuvor-yonalishi_354257
10. <https://stat.uz>





РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ВА АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ
DIGITAL ECONOMY AND INFORMATION TECHNOLOGY

Илмий электрон журнал | Scientific electronic journal

Muharrir

Yaxshiyev H.T.

Musahhih va dizayner

Matxo'jayev A.O.

Texnik muharrir

Mirzayev J.O'.

Litsenziya AI № 240 04.07.2013. Bosishga ruxsat etildi 07.11.2022.


Qog'oz bichimi 60x80 1/16. Times garniturası. Raqamli bosma.


Shartli bosma tabog'i: 23,3. Adadi 50 nusxa.


«IMZO PRINT MEDIA GROUP» XKning matbaa bo'limida chop etildi.

100066. Toshkent shahri, Islom Karimov ko'chasi, 49-uy.



+998 71 239-28-41  <http://dgeconomy.tsue.uz/>

 dgeconomy_tdiu@mail.ru, dgeconomy@tsue.uz

 100066, Toshkent shahri, Islom Karimov ko'chasi, 49-uy.



COLORPACK

время ярких решений